2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2021 йил 15 январь • № 2 (1334)



# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ТИНЧ, ОСУДА ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

***Ҳозирги кунда оналар ўз фарзандларини армияга кўзда ёш, юракда хавотир билан эмас, балки менинг ўғлим ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлади, деб, юксак ишонч ва фахр туйғуси билан кузатишмоқда. Оналар кўнглидаги розилик, бу – бутун халқимиз қалбидаги розилик ифодаси, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.***

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони




Тақдир тақозоси билан ҳаётимнинг чорак асрдан зиёд вақти ҳарбий шифокор сифатида Қуролли Кучларнинг турли қисм ва бўлинмалари, муассасаларида ўтди. Ёшим элликка кириб, белгиланган хизмат муддатини ўтаганимдан сўнг, тиббий хизмат подполковниги унвонида истеъфога чиқдим. Яратганга беадад шукур, бугунги дориламон, тинч ва фаровон кунларга етиб келдим.

Мазкур мақолани ёзиш учун қўлимга қалам ва қоғоз олар эканман, бундан анча йил аввал бўлиб ўтган, бир-бирига бутунлай зид воқеа-ҳодисалар худди кино тасмасидаги лавҳалардек кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлади.

**Биринчи воқеа.** Тошкент шаҳрининг ҳозирги Учтепа тумани Катта Қанғли, Муржумон даҳаларида девор-дармиён қўшни бўлиб, эл-юрт ардоғидаги икки нуроний яшашган. Булар Азиз ота ва Абдураҳмонхўжа бобом эдилар. 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон муҳорабасига Азиз отанинг бир эмас, беш нафар ўғиллари – Султонбой, Турсунбой, Абдумажид, Абдуваҳоб ва Тошкентбойлар сафарбар бўлишди. Беш баҳодирнинг орасида биргина Турсунбой ортга қайтмади, жангда шаҳидлар қаторида узоқ ва бегона юрт тупроғида номаълум аскарлар қабристонидан макон топди. Азиз отанинг бошқа фарзандлари ёвуз

**(Давоми 2-бетда).**

## Ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари фаолиятидан

### Сирдарё вилояти

● Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилоят филиалида онкологик касалликларни даволашда ишлатиладиган 4,5 миллиард сўмлик Терабалт нур аппарати фойдаланишга топширилди.

● 2 метрлик қалин девор ичига ўрнатилган мосламани ишлатиш учун 3 нафар марказ ходими Россиянинг Минск шаҳрида, 4 нафар ҳамшира Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида малака ошириб келишди. Ушбу ускунани фойдаланишга топшириш тадбири мазкур филиалда бўлиб ўтди.

### Андижон вилояти

● Ҳудудларда ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатилишида амалий ёрдам бериш, шифокорлар учун маҳорат дарслари, мураккаб операция ва тиббий муолажаларни амалга ошириш, беморларга ўз ҳудудларида малакали тиббий ёрдам ва консультацияларни олиш бўйича тизимли ишлар давом этмоқда. Хусусан, **Андижон вилоятида:**

**7-8-9 январь кунлари** – Республика суд-тиббий илмий-амалий маркази,

**11-12-13 январь кунлари** – Республика гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти,

**24-25-26 январь кунлари** – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари иштирокида мулоқот ва тиббий кўриклар бўлиб ўтиши кутилмоқда.

### Қашқадарё вилояти

● Қашқадарё вилояти кўз касалликлари шифохонасида "Кўнгил кўзи" Янги йил хайрия акцияси доирасида Қарши шаҳридаги 18-махсус мактаб-интернат ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Лойиҳа Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

### Фарғона вилояти

● Фарғонада тиббий-ижтимоий хизмат билан қамраб олинган, ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз яшайдиган кексалар ва ногиронлиги бўлган 2920 нафар шахс истиқомат қилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг Фарғона вилоят бўлими томонидан мазкур фуқароларнинг 366 нафари ўтган 2020 йилда 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена воситалари, 4 хил турдаги антисептик воситалар билан бепул таъминланди.

● Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг бир гуруҳ талабалари аҳоли орасида хатлов ва антропометрия тадбирларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида Фарғона вилоятига ҳам етиб келишди.

### Сирдарё вилояти

● Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 18 нафар битирув-талабалари давлат раҳбарининг 2020 йил 10 ноябрдаги "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида тиббий хатлов, антропометрия тадбирларини уюшқоқлик билан ташкил этиш борасида сирдарёлик тиббиёт ходимларга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

### Наманган вилояти

● Чуст туманининг Ғова қишлоғида вилоятнинг етук тиббиёт ходимлари аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

### Тошкент вилояти

● Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий госпитали ҳамда ҳудудий тиббиёт бирлашмалари мутахассислари ҳамкорликда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Жумладан, Бўстонлиқ туманида ҳам шифокорлар томонидан аҳоли саломатлиги текширилмоқда.

### Бухоро вилояти

● Давлат раҳбарининг тиббиёт соҳасида имзолаган Фармон ва қарорларининг жойлардаги ижросини ўрганиш мақсадида ҳудудларга вазирликдан юборилган ишчи гуруҳи ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

*14 январь – Ватан ҳимоячилари куни*

# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ТИНЧ, ОСУДА ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

душман устидан ғалаба қучиб, эл-юртга тинчлик, бахт-саодат билан қайтдилар, узоқ йил яшаб кексалик гаштини сурдилар. Бу оиланинг вакили бўлган Рустам Султонов олий ўқув юртини тугатгач, ўз ўрнини Қуролли Кучлар сафида топди. 25 йилдан ортиқ чегара қўшинлари таркибида оддий аскарликдан полковник, бўлинма бошлиғи лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари қўмондони муовини лавозими даражасигача етди. Эндиликда у Ўзбекистон байналминал жангчи-фахрийлар бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлимига бошчилик қилмоқда, ота-боболари, авлодлари жанговар анъаналарини шараф билан давом эттирмоқда. Бундай авлодлар, зурриёдлар билан фахрланмай бўладими?! Худди шундай ифтихор туйғуларини биз юқорида номларини тилга олган Абдураҳмонхўжа бобом фарзандлари ҳақида ҳам айтишимиз мумкин. Бу оиладан ҳам ўша машъум қирғин-барот йиллари Абдувоҳидхон, Назруллохон, Забихуллохон ва Ҳамидуллохон деган бир-биридан гўзал, ботир ва нодир ўғлонлар жангга отланишган. Улардан Забихуллохон она юртга қайтмади. Бундай ибратли оила фарзандлари ҳаётимизда кўплаб топилади. Афсуски, уларнинг сони йил сайин камайиб кетмоқда.

**Иккинчи воқеа** ўтган асримизнинг 80-йиллари охири билан боғлиқ. Ярим кечада тўсатдан кўча эшигимиз қўнғироғи жиринглади. Минг хавотир билан елкамга чопонимни ташлаб эшикни очсам, йўлакда ҳамкасб бир танишим турибди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Ичкарига таклиф қилсам, кирмади.

– Тинчликми?

– Тинчлик, – деди майин жилмайиб.

– Ҳа, ярим кечада нима қилиб юрибсан?

– Зарур гап бор. Бир яқин қариндошимиз, таниқли одамнинг ўғлини ҳарбий хизматга чақиришяпти. Унинг эса, армияга боргиси йўқ. Ҳарбий ишлар бошқармасидан келган чақирув қоғозини ола солиб, уйига ҳам келмай, қаерлардадир қочиб юрибди. Ота-онаси бундан жуда хавотирланиб, ўғилларини қандай қилиб бўлса-да, армиядан олиб қолиш пайида. Ҳар қандай сарф-харажатни кўтаришга тайёр.

– Мумкин эмас! Бу оғир жиноят, қонунбузарлик-ку! – дедим унинг гапини шартта бўлиб.

– Шошма, шошма, мен уни яширинган жойидан аранг топиб, бир амаллаб юқумли касалликлар шифохонасига жойлаштирдим.

– Қандай касаллик билан?

– Сариқ – жигар хасталиги билан.

– Ҳақиқатан ҳам у шу касалликка чалинганми?

– Йўқ. Ҳамма гап шунда-да, оғайни. Бир ёрдам бериб, қўллавормасанг бўлмайди. Бунинг устига ҳарбий комиссариатдагилар бундан хабар топиб, қуролланган соқчилар билан уни мажбуран ҳарбий госпиталга олиб кетишмоқчи. Бунга уларнинг ҳаққи борми, йўқми? Бунақада ўйлаган режамиз нима бўлади?

– Ўл бўлади, дард бўлади! Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш жиноят устига жиноят, охири вой бўлади. Жиянингни ёнига қўшиб, сени ҳам жазолашади.

– Э нафасингни иссиқроқ қил! Бир амаллаб иложини топ. Шу соҳада ишлайсан-ку, оғайни!

– Шунинг учун ҳам бундай ноқонуний ишга сира аралашмайман. Мендан хафа бўлсанг, бўлақол.

Энди менга қара, сенга бир маслаҳат. Ҳали ҳам кеч эмас. Эгилган бошни қилич кесмайди. Ўша боланинг ота-онасига айт. Яхши панд-насиҳат қилиб, тушунтиришсин. Ҳарбий хизматни ўташ – йигит кишининг бурчи, вазифаси. Кўпчилик қатори армияга бориб, ҳарбий хизматини ўтаб, қайтсин. Ношукур бўлмасин. Ҳозир замона тинч. Уруш бўлаётгани йўқ. Қолаверса, оддий фуқаро сифатида соппа-соғ бўлатуриб, ҳарбий хизматдан бўйин товлаши Конституциямиз ва Қонунларга мутлақо зид.

Бу гапларимдан сўнг йўлакдаги зина остидан кимдир югуриб чиқиб кетди, кўча эшиги тарақлаб ёпилди. Билсам, танишим ҳузуримга ўша обрўли киши билан бирга келган экан. Кўп ўтмай ўша қочқоқ ва қуёнюрак йигит жиноятига яраша озодликдан маҳрум этилибди.

Шу-шу ўша танишим билан деярли беш-олти йил юз кўришмас бўлдик. Ниҳоят кунларнинг бирида у мендан ўртамизда бўлиб ўтган кўнгилсизлик учун узр сўради. У ўзининг бу ножўя қилмиши, хатти-ҳаракатидан ниҳоятда афсусда, хижолатда экан..

– Ўртоқ, ўшанда сен ҳақ экансан. Сендан бекорга хафа бўлган эканман. Ҳозир катта набирамни ҳарбий хизматга кузатаяпмиз. Зора, сенга ўхшаган фидойи ҳарбий хизматчи бўлса...



Мен эски қадрдонимнинг юрагида ростми-ёлғон (буниси Худога аён) ҳарбий соҳа ходимларига ишонч ва меҳр уйғонганидан хурсанд бўлдим.

Демоқчиманки, оддий бир фуқаро, Қуролли Кучлар фахрийси сифатида Миллий армиямизда бўлаётган янгиликлар, ислоҳотларга бефарқ эмасман. Чунки, бу менинг Миллий армиям, мустақиллигимизнинг фахрли ва ифтихорли ширин меваси, унинг таянчи, мард ва фидойи посбонидир! Бир оғиз сўз билан айтганда, Миллий армиямиз – мустақиллигимиз, тинч-осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир!

Шуни айтиш жоизки, бугунги Миллий армиямиз ўз-ўзидан ва осонликча бунёд бўлмади. Биз унинг тарихини яхши билганимиз боис, ёшларнинг онг-тафаккурида она Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, миллий ифтихор ва ғурур ҳис-туйғуларини мустаҳкам шакллантиришимиз даркор. Зеро, биз ҳарбий хизмат қилган вақтдаги бепоён Ватан билан ҳозирги мустақил Ўзбекистонимиз ҳудуди ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. У вақтларда Ватан тушунчаси ниҳоятда кенг, ноаниқ бўлган бўлса, энди унинг маъно-мазмуни ўзгача, сарҳадлари аниқ ва пухта



белгиланган. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги пайтда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбийларга фақат ҳавасимиз келади. Чунки улар ўз Ватанлари, уйлари, ота-оналари бағрида эмин-эркин, катта имтиёзлар олиб хизмат қилишмоқда. Бундай армияда сидқидилдан хизмат қилмай, ўз фуқаролик бурчини ўтамай бўладими? Шунинг учун ҳам армияда хизмат қилиш шон-шараф ишига айлангани бежиз эмас.

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм, экстремизм хавфи тобора кескинлашиб бораётгани, чегараларимиз хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ҳамиша диққатимиз марказида туришини, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимизни талаб этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Ўзбекистон ва унинг бағри кенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустаҳкам туриб келмоқда. Лекин зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишларга қарши кескин зарба беришга қодирмиз. Чунки юртимизнинг иродаси синовларда тобланган халқи, мард ўғлонлари бор.”**

Ўзбекистон ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмайдиган давлат сифатида, ҳар томонлама чуқур ўйланган ва ўзи учун принципиал аҳамиятга эга бўлган муҳим йўлни танлаб олган. Яъни, мамлакатимиз тинчликсевар сиёсат олиб бориш, ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва коалицияларга қўшилмаслик, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий база ва объектларини жойлаштирмаслик, юртимиздан ташқарида бўладиган тинчликпарварлик операцияларда қатнашмаслик бўйича ўзининг қатъий ҳаракат йўлини аниқ ва равшан белгилаб олган. Сўнгги 29 йил мобайнида мамлакатимиз босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини, кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш борасида Ватан ҳимоячиларини янги марралар сари руҳлантириш, ёшларимизни **“Она юртни биз асрамасак, ким асрайди?”** деган эътиқод билан яшашга ўргатишимиз зарур. Шу мақсад йўлида Миллий армиямиз сафларида ҳар қандай шароит, вазиятда ҳам иймон-эътиқоди мустаҳкам, сўзи билан иши бир мард посбонларимиз хизмат қилишаётгани, айниқса қувонарлидир.

**Академик шоиримиз Ғафур Ғулом ёзганидек:**

*Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,*
*Қалқон бор, қалъа бут, қўрғон саломат.*
*Қизлар кулгусида авжу даромад,*
*Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.*
*Зеро, Ватанга қасамёд онага қасамёддир!*

**Искандар РАҲМОН,**
**Қуролли Кучлар фахрийси,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар ва**
**Журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси.**

# ҲАРБИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

***Андижон давлат тиббиёт институтида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Мардлар қўриқлайди Ватанни” мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.***

Тадбирни ўқув ишлари бўйича проректор в.в.б. Б. Абдуллажонов кириш сўзи билан очиб, ҳар қандай вазиятда халқ билан бирга, ҳарбийлар – офицер ва аскарлар халқни ҳимоя қилиш ҳар бир тиббиётчининг шарафли бурчи, офицерлик либосида турган тиббиётчилар халқимизнинг фахри эканлигини таъкидлаб ўтди. Мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини туну кун ҳимоя қилиб келаётган Ватан ҳимоячилари, бир-биридан ўктам, мард ва жасур ўғлонларни Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан самимий табриклади.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради ва байрам тадбири иштирокчиларига сўз берилди.

Тадбир давомида сўз олган фахрий устозлар, истеъфодаги ҳарбийлар, ҳарбий кафедра ходимлари, талабалар Ватан, Ватан ҳимоясининг шарафи, бу номга сазовор бўлиш инсонга чексиз бахт эканлиги хусусида сўз юритдилар.

**Тадбир якунида бир гуруҳ ҳарбий профессор-ўқитувчилар “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан рағбатлантирилди ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.**

**Институт**
**Ахборот хизмати.**







### Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари ҳудудларда

# ЭНДИ ШИФОКОРЛАР ХОНАДОН АЪЗОСИГА АЙЛАНАДИ

## Андижон вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов Андижон вилоятида аҳолини саломатлик ҳолатини ўрганиш жараёнлари боришида бевосита қатнашди, аҳоли хонадонларига «Ассалому алайкум, биз соғлиқни сақлаш вазирлигиданмиз, соғлигингизда нима муаммо бор»-дея ташриф буюрди.**





Маълумки аҳоли саломатлиги ҳолатини чуқур ўрганиш, тиббий кўриклар, саломатлик кўрсаткичларини босқичма-босқич ўрганиш, солиштириш, соғлиқ параметрларини қайддан ва хатловдан ўтказиш, антропометрик ва бошқа кўрсаткичларни ўлчаш жараёнлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишининг сифатига эътибор бериш давом этмоқда.

Андижоннинг олис қишлоқларида соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрило Иноятов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Салоҳиддин Юсупов, маъсул тиббиёт ходимлари аҳоли хонадонларига ташриф буюрдилар, фуқаролар билан самимий суҳбат ўтказилди, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини тингладилар.

Аҳоли билан суҳбат даврида вазир ўринбосари томонидан саломатликни тиклаш учун бир нечта фуқароларга санаторияларга йўлланма тақдим этилди, хонадонлардан бирида тиббиёт ходимининг ишга жойлашиш бўйича мурожаати қаноатлантирилди, шунингдек, фуқароларнинг соғлиқ ва ижтимоий масалалари бўйича илтимослари бажарилди.

Халқимизнинг тиббий хизмат сифатидан рози қилиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган энг устувор вазифалар юзасидан шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари мутасадди ходимларига кўрсатма ва тавсиялар ҳам берилди.

**Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот хизмати**

## Наманган вилояти

***Вазирнинг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов Наманган вилоятида ҳам бўлди.***

***Таъкидлаш жоизки, Наманганда ҳам соғлиқни сақлаш тизими ишини янги босқичга кўтариш, айниқса бирламчи бўғин фаолиятини янада такомиллаштириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, халқнинг тиббий хизматдан розилигига эришиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар пировардида ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.***



Вазирнинг биринчи ўринбосари дастлаб Тўрақўрғон туманидаги "Шоҳидон" оилавий шифокор пунктига ташриф буюрди. Муассаса жамоаси 8 минг нафардан зиёд аҳоли саломатлигини таъминлашга масъулдир. Ўтган ойда ҳудудда жойлашган учта маҳаллада яшовчи фуқаролар тиббий хатлов ва антропометрик ўлчовлардан ўтказилганди.

ОШП мудири Мавлуда Муродова бу жараённинг якунлари, маълумотларнинг жамланиши ва улар асосида саломатлик ҳамда касалланиш кўрсаткичларининг шакллантирилиши ҳақида сўзлаб берди. Мулоқот чоғида Амрилло Иноятов шифокор ва ҳамшираларнинг кейинги босқичлардаги долзарб вазифаларига эътиборни қаратди.

Шундан сўнг фаолият натижадорлигини ўрганиш аҳоли яшаш жойларида давом этди. "Гулистон" маҳалласининг Мустақилик кўчасидаги хонадонларга кирилди. 7-уйда яшовчи 65 ёшли Нафиса Тўхтаназарова хонадонида кечган суҳбат чоғида А. Иноятов: «Жорий йилда тиббиёт ходимлари деярли хонадон аъзосига айланишади, чунки энди оилавий шифокорлар тез-тез уйларга келишиб, одамлар саломатлигини қатъий назоратга олишади», – **деганида онахон ғоят тўлқинланиб кетди.**

– *Давлатимизга, юртбошимизга мингдан-минг раҳмат, аҳоли соғлиғи учун шу қадар ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунга жавобан биз нуронийлар маҳаллада соғлом турмуш тарзи, айниқса соғлом овқатланиш ва жисмоний фаолликни тарғиб қилишда астойдил фаоллик кўрсатяпмиз,* – **деди Н. Тўхтаназарова.** Амрилло Иноятов аҳоли вакиллари билан учрашув пайтида соҳада кечаётган янгиланишлар ҳақида сўзлаб берди. Маҳаллада яшовчи фаол аёлларнинг бир гуруҳига саломатлигини тиклаш учун дори-дармонлар тўпламлари ва «Косонсой» сиҳатгоҳига йўлланмалар топширди.

Кейинги йилларда вилоятда тиббиётнинг нодавлат сектори ҳам жадал ривожланмоқда. Уларнинг сони кескин ортиб, хизмат доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Тўрақўрғон тумани марказида қад ростлаган "Hayot medical" хусусий шифохонаси замонавий биноси кўркам ва шинамлиги билангина эмас, хизмат кўрсатиш салоҳиятининг баландлиги жиҳатидан ҳам эътиборга лойиқдир. Тадбиркор Аброржон Мамажоновнинг саъй-ҳаракати билан 4 миллиард сўм маблағ сарфланиши эвазига вужудга келган 40 ўринли янги шифохона тақдимотида қатнашган Амрилло Иноятов давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, нодавлат тиббиёт муассасалари тармоғи салмоғини ўстириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Намангандаги ташриф чоғида вазирнинг биринчи ўринбосарига вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдилходи Иминов ҳамроҳлик қилди.

Вилоятга ташриф давомида Наманган шаҳри ва Поп туманидаги даволаш-профилактика муассасалари фаолияти ҳам ўрганилди. Бирламчи тиббий-санитар ёрдамини кўрсатиш тизими ишини янада юксалтириш, аҳолини тўлиқ тиббий хатловдан ўтказиш, бу жараён шаффофлигини таъминлаш ва бошқа долзарб вазифалар ижроси таҳлил этилди. Мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилди.

Булардан кутилган мақсад - "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилашга эришишдан иборат.

**Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.**

## Қашқадарё вилояти

**Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Улуғбек Собиров Қашқадарё вилоятига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш бўйича хизмат сафарида бўлди.**

Вазир ўринбосари сафар давомида давлатимиз раҳбарининг Қашқадарёга ташрифи чоғида белгиланган вазифалар, шунингдек, Президентимизнинг соҳага оид тегишли фармон ва қарорлари ижроси доирасида амалга оширилган ишларни ўрганди.

Хусусан, Китоб ва Шаҳрисабз туманларидаги юқумли касалликлар шифохоналари, Қарши шаҳридаги вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, "Геолог" спорт-соғломлаштириш саройидаги саралаш марказида коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш борасида яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, зарур тавсияларни берди. Сафар давомида олиб борилган самарали музокоралар сабабли айни пайтда таъмирлаш учун ёпилган Шаҳрисабз туман юқумли касалликлар шифохонаси биноси учун вилоят ҳокимлиги томонидан қўшимча тарзда яна маблағ ажратилиши белгиланди. Шунингдек, Улуғбек Собиров Деҳқонобод, Гузор туманлари ва Қарши шаҳридаги айрим маҳаллалар ҳамда кўп қаватли уйлар хонадонларида бўлиб, амалга оширилган тиббий хатлов ва антропометрия жараёнлари натижалари билан танишди. Тизимдаги бирламчи тизим ходимларига ўз маслаҳатларини берди.

**Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.**

## Қорақалпоғистон Республикаси

**Соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш борасида кўпгина ишлар бошлаб юборилган. Бу, ўз навбатида, тизимдаги ислоҳотларни сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш ва аҳолининг барча қатламларини тиббий хизмат билан қамраб олиш имкониятларини оширмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг мазкур йўналишга бағишланган қарори тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида ушбу ислоҳотларни янги босқичга кўтаради. Шу муносабат билан жойлардаги вазиятни ўрганиш ва тиббиёт муассасаларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида **Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Шоҳруҳ Шораҳмедов** Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Ташриф чоғида, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизими раҳбарлари ва мутахассисларининг салоҳияти ва масъулиятини оширишга доир қатор чора-тадбирлар назарда тутилганлиги алоҳида эътироф этилди. Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Шоҳруҳ Шораҳмедов Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Мурад Исмаилов ҳамроҳлигида республикадаги қатор тиббиёт муассасаларига ташриф буюрди ва у ердаги шароитлар, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, республика аҳолисини хатловдан ўтказиш, антропометрик кўрсаткичларни ўлчаш жараёнлари, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг ҳолатини, онлайн патронаж хизмати ва поликлиникалар хизматини ўрганди. Шунингдек, ўрганишлар натижасида Қорақалпоғистонда эпидемиологик вазиятнинг барқарорлашаётгани инобатга олиниб, коронавирусга чалинган ва гумон қилинган беморларга муолажа узлуксизлигини таъминлаш ва инфекцияга қарши курашга ихтисослашган кучларнинг тарқоқлигига барҳам бериш мақсадида Нукус шаҳридаги коронавирус инфекциясига чалинган беморларни саралаш ва тақсимлаш маркази консерватив равишда ёпилди. Шундан сўнг, мутасаддилар Беруний туманида туман ҳокими Атабек Сапарбаев билан учрашув ўтказди. Унда Беруний туманида очилаётган кўп тармоқли поликлиника тўғрисида суҳбат бўлиб ўтди ва поликлиниканинг ер майдони кўздан кечирилди. Сўнг тумандаги хусусий кўз клиникаси фаолияти кўздан кечирилди. Туман ҳокими туман тиббиёт бирлашмасига оид ўз таклифларини билдириб ўтди.

Шуниниг билан бир қаторда, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Шоҳруҳ Шораҳмедов тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, Президентимизнинг тиббиёт соҳасига йўналтирилган фармон ва қарорларини ижросини таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари, республика даволаш муассасалари бош шифокорлари ва ходимларига ўз тавсия ва кўрсатмаларини берди.

**Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот хизмати.**

Танлов

# «ЙИЛ ҚАҲРАМОНЛАРИ» ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ



**ЎзАнинг "Йил танлови – 2020" тадбирида пандемия даврида ҳалок бўлган шифокорлар — "Йил қаҳрамонлари" деб эътироф этилди.**

Мукофот Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятовга топширилди.

Бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Дунёнинг 191 мамлакатида 81 миллион киши коронавирус билан касалланган. Улардан 1,7 миллиондан зиёди вафот этган. Бу офат Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Мамлакатимизда пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди. Афсуски, коронавирусдан вафот этган юртдошларимиз қаторида тиббиёт ходимлари ҳам бор.

*"Эътирофга лойиқ жиҳати шундаки, шундай оғир вазиятда тиббиёт ходимлари ўз касбига содиқ қолиб, бурчларини шараф билан бажарди ва бу жараён давом этмоқда. Ойлаб уйига, оиласи даврасига бора олмай шифохоналарда қолган, кунни тунга улаб заҳмат чеккан шифокорларимизнинг ҳар бири қаҳрамон, аслида.*

*Лекин ўз вазифасини бажараётиб, дардга чалинган, одамларга қалқон бўламан деб қурбон бўлганларни энди топиб бўлмайди. Уларнинг яқинларининг, жигаргўшаларининг айрилиқ азобини ювиб ташлаш чорасиз. Шу жиҳатдан коронавирус туфайли қурбон бўлган тиббиёт ходимлари икки карра қаҳрамон. Уларни ёдга олиш, хотирасига ҳурмат бажо келтириш эса – энг адолатли иш"*, **дейилади ЎзА эътирофида.**

Имконият

**Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида гемодиализга муҳтож бемор болаларга тиббий ёрдам кўрсатадиган сунъий буйрак (гемодиализ) бўлими ташкил этилди. Бу ҳақда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси хабар бермоқда.**



# САМАРҚАНДДА ГЕМОДИАЛИЗ БЎЛИМИ ИШ БОШЛАДИ

Қайд этилишича, бугун бўлимнинг очилиш маросими бўлиб ўтган ва унда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова иштирок этган.

Маълум бўлишича, ҳозир вилоятда сурункали буйрак етишмовчилиги касаллиги билан 41 нафар бола "Д" назоратида туради. Улар доимий равишда диализ муолажаларини олишга муҳтож ҳисобланади.

Шу пайтгача бемор болалар гемодиализ ўтказиш учун Тошкент шаҳридаги илмий марказларга юборилган. Энди бундай турдаги бемор болаларга вилоятнинг ўзида тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. Таъкидланишича, марказ қошидаги гемодиализ бўлимига 2020 йил октябр ойида 749 миллион сўм эвазига иккита сув насоси, 748,5 миллион сўмга 5 та гемодиализ аппарати олиб келиб ўрнатилган.

Бино 75 млн сўм маблағ ҳисобидан жорий таъмирланган. Бўлимда ишлаш учун кадрлар Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси илмий марказида бирламчи ихтисослаштиришдан ўтказилган.

## ЮРАК ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТ

*- Инсон юраги сирларга тўла. Ёши катталарда у ўртача 300 грамм бўлса, чақалоқларда тахминан 22 грамм оғирликка эга. Яъни тана вазнининг 0,8 фоизини ташкил қилади;*

*- Юрак ҳажмини тушунтириш учун оддий ва азалий усул қўлланилади – муштингизни тугинг, юрагингиз ҳажмини билиб оласиз. Энди ўша муштингиз орасига теннис коптокчасини олиб бор кучингиз билан сиқинг ва юрак қандай куч билан ишлашини англайсиз;*

*- Катталарда минутига юрак уришлар сони 60-85 та бўлса, чақалоқларда бу кўрсаткич 150 тагача етади;*

*- Аёллар юраги эркакларникига нисбатан тезроқ уради;*

*- Инсон ўртача умри давомида юрак қон томирлар орқали тахминан 1,5 млн баррел қон ҳайдайди. Оддийроқ тушуниш учун бу 200 цистерна(вагон)га тенг;*

*- Юракни қувватлантириш, соғлом сақлаш учун яхши кайфият зарурлиги аллақачон ўз исботини топган. Масалан – кулги томирлар таранглигини пасайтиради, бу эса қон айланишини яхшилайди.*

Тажриба, маҳорат ва амалиёт

# БОЛАЛАРДА ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНИ КАСАЛЛИКЛАРИ...



**ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили ҳар юз минг чақалоқдан 6-10 нафари туғма юрак нуқсони билан дунёга келади. Бу хасталикнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва бемор болаларни дарддан фориғ этиш ҳақидаги ССВ Матбуот хизмати саволларига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар кардиохирургияси бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳакимжон АБРОЛОВ жавоб беради.**

**– Болалар туғма юрак нуқсони билан дунёга келишининг асосий сабаблари нимада?**

– Туғма юрак нуқсонлари ёки умуман туғма аномалияларнинг ривожланишига, асосан, олтита фактор таъсир қилади. **Улар қуйидагилардан иборат:**

*ҳомиладор аёллардаги анемия;*
*аёлнинг сурункали ёки ўткир инфекцияли касаллиги;*
*вирусли касалликлар;*
*гармонал фактор;*
*нейрогуморал фактор;*
*яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ.*

Камқонлик, ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойлигида аёлнинг гриппга чалиниши ва бунга қарши даволанмаслиги, қолаверса, буйрак ва бошқа аъзолардаги сурункали хасталиклар, онада учрайдиган турли инфекциялар ва вирусли касалликлар ҳомиланинг соғлом ривожланишига имкон бермайди. Натижада, болада туғма нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин.

Бу муаммонинг олдини олиш учун ҳомиладорликни режалаштиришдан олдин бўлажак ота-она тор мутахассислар кўригидан ўтиб, касаллик аниқланса, даволаниши лозим. Бунинг учун оилада тиббий маданият юқори бўлиши керак.

**– Болаларда туғма юрак нуқсонларини эрта аниқлашнинг энг самарали усули ҳақида маълумот берсангиз.**

– Бунинг энг самарали йўли ҳомиладор аёлларни скрининг кўригига ўз вақтида жалб этишдир. Бугунги кунда мамлакатимизда она-бола скрининг хизмати ривожланиб бораяпти. Қолаверса, туғруқ мажмуаларида ҳар бир чақалоқ чуқур кўрикдан ўтказилади. Болада туғма нуқсон бўлса, шу ернинг ўзида аниқлаш имкони мавжуд.

Кейинчалик бола токи соғайгунича тегишли мутахассисларнинг доимий кузатувига, шунингдек, ихтисослашган бўлимларга етказилиб, чуқур инвазив текширишлар ўтказилади.

Бундан мақсад — боладаги туғма юрак нуқсонларининг турини, асорат даражаси ва энг муҳими, оптимал даволаш тактикасини белгилаб олишдир.

**– Туғма юрак нуқсонларини бола неча ёшга тўлганича даволаш талаб этилади?**

– Туғма юрак нуқсонларининг турлари жуда кўп. Шу боис, даволаш ишлари касалликнинг турига қараб белгиланади. Дейлик, очиқ артериал проток – шундай турлардан бири. Бола олти ойлик бўлгунича, организмдаги физиологик ўзгаришлар туфайли бу туғма юрак нуқсон тури кичик ҳажмда бўлса ўз-ўзидан ёпилиб кетиш имкони бўлади.

Қисқаси, ҳар бир касалликни даволашнинг ўз стандартлари бор. Даволаш ишларини шу асосда ташкил этиш учун бемор доимо шифокор кузатувида бўлиши лозим.

Шуни унутмаслик керакки, туғма юрак нуқсони билан хасталанган болани парваришлашда тўғри овқатлантириш, ўз вақтида ухлатиш баробарида, оилада тозалик ва гигиена қоидаларига ҳам тўла риоя этилиши керак. Акс ҳолда, болада сурункали инфекцияли жараёнлар юзага келиши бошқа касалликларни ҳам келтириб чиқариши, беморнинг аҳволини янада оғирлаштириши мумкин.

Яна бир муҳим ҳолат, туғма аномалиялар, яъни туғма юрак нуқсони ва марказий нерв системаси, ошқозон-ичак тизими ва бошқа аъзо системаларнинг туғма аномалияси биргаликда келиши ҳолатларида даволаш тактикасини белгилаш жуда ҳам қийин ҳисобланади, бундай ҳолатларда бола ҳаёти учун хавф туғдираётган ҳолат биринчи бўлиб даволаниши керак.

**– Боланинг лаблари, юзи, бармоқлари тез-тез кўкариши юрак хасталигининг белгисими?**

– Бу кўкариш (цианоз) билан кузатиладиган туғма юрак нуқсонларининг бир белгиси ҳисобланади. Бундан ташқари, тез-тез шамоллаб, тузалиши чўзилаётган ёки пневмонияга чалинадиган бемор болаларни ҳам кардиолог чуқур текшириши керак. Ота-она бунга эътиборсизлик қилиб, болага ўз билганича дори ичириши мумкин эмас. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун болалар тарбияси ва соғлиғига эътиборли бўлиш, тез-тез шамоллайдиган, инжиқ, нимжон болаларни алоҳида кузатувга олиши мақсадга мувофиқ. Шунда туғма юрак нуқсонли бемор болаларни ўз вақтида аниқлаб соғломлаштиришга эришиш мумкин.

*Мулоҳаза мушоҳадага чорлайди*

# ОЛҚИШЛАДИК, БОНГ УРДИК, ҲОЛБУКИ ТОМОШАМИЗ...



**Энг катта янгилик – унутилган эскилик, деган ёши улуғларимиз. Ўйлаб қарасак, бу сўзнинг замирида бугунги воқелик, соҳалар фаолиятидаги жараёнларни ҳам қамраб оладиган мазмун бор экан. Ҳарқалай, сўнгги кузатишларим хулосасига кўра шундай фикрга келдим. Сўзимизни нега узоқдан бошлаганимни эса мақоламиз давомида тушуниб оласиз, деган умиддаман.**

"Ҳар баҳорда шу бўлар такрор"! Қайсидир шоирнинг шеъридаги ушбу сатр ёдимга тушса, кўз олдимда босма нашрларнинг обуна мавсуми гавдаланади. Аммо сўнгги вақтдаги иқлим инжиқликлари чинакам баҳор ҳавосига таъсир этаётгани каби, охирги йилларда назарда тутганим "мавсум" самарадорлигига ҳам сезиларли даражада путур етказувчи омиллар юзага келди.Тан олиш керак бугун замон тараққиёти ҳар қачонгидан ҳам илгарилаб кетди. Буни инкор этиб бўлмайди, албатта. Ҳатто энг сўнгги янгиликлардан зум ўтмай воқиф бўйиш имкониятимиз мавжуд. Бироқ ҳар қандай тараққиёт ҳам ўз вақтида ва ундан унумли фойдаланишимизга қарабгина ўринлидир. Гап шундаки, яқинда ижтимоий тармоқ саҳифаларида 2021 йилдаги нашрлар тиражига кўзим тушди... Додингни кимга айтишни билмайсан киши. У ердаги рақамларни кўриб, халқимиз газета-журнал ўқимай қўйибди, деган таассуротга келдим. Хўп, тўғридир маънавиятни ҳар нарса билан ўлчайверишнинг ҳожати йўқдир. Лекин касбимиз бўйича билимларимизни мустаҳкамлаш, соҳага оид янгилик ва воқеликларнинг батафсил таҳлили борасидаги хабардорлигимизни ошириш масаласичи? Очиғини айтиш зарур ижтимоий тармоқлардаги аксарият янгилик ва хабарларнинг мазмун-моҳияти материал сарлавҳасидаёқ тугайди. Ёки атайлаб бўрттирилган бош лавҳада назарда тутилган маълумотни мақола матнидан мутлақо топиб бўлмайди. Майли, бундай ахборотларнинг ҳам ўз обуначилари бордир... мақсадим Интернет нашрлари фаолиятини қоралаш ҳам эмас. Лекин мажбурий обуна борасида келган хулосаларимизни ҳам батамом тўғри дейишдан йироқман. Сабаби, ўқитувчига ўз соҳасига алоқадар бўлмаган газета, қишлоқ хўжалиги ходимига тизимга дахли йўқ журнал, худди шунингдек, иқтисодчи, адабиётшунос, темирйўлчи ҳамда шифокорга ўз йўналишига тегишли бўлмаган нашрлар обунаси "тиқиштирилса" бу – мажбурий обуна бўлиши мумкин. Лекин ўқитувчи маърифат топмаса, фермер агротехник тадбирлар борасида фикр алмашмаса, шифокор тизимдаги етук мутахассисларнинг илмий, таҳлилий мақолалари, мулоҳазалари билан танишиб бормаса соҳа тараққиётининг миллий модулини яратиш, кадрларнинг билим малакасини мустаҳкамлаш борасидаги муносабатларимиз "аравани қуруқ олиб қочиш" билан баравар бўлиб қолмасмикан?!

**Айтаверсак гап кўп. Назаримда, Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан сўзлаган нутқида: "...Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар", деган фикрлари ҳанузгача айрим раҳбарларга етиб бормаганга ўхшайди.** Йўқса давлатимиз раҳбари бугунги ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб, дунё бўйича компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири Японияда босма нашрларга бўлган эътиборга тўхталиб, ушбу мамлакатда ҳам кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигини мисол тариқасида келтириб ўтган эди. Тўғри, шундан сўнг, Интернет саҳифаларида айрим вазир ва ҳокимларнинг "бугун газета ўқимаган раҳбар ёки тизимда тараққиёт бўлмайди" қабилида билдирган муносабатларига кўзимиз тушди. Шундан сўнг натижа яхши бўлса керак, дея ўйладик, ҳатто. Афсуски, мазкур фикрлар ҳам "ўргимчак тўридан" нарига чиқолмади, яъни амалда ўз ифодасини топмади. Албатта, ушбу масала юзасидан фақат раҳбарларни айблаб бўлмайди. Муаммонинг бир томони ўзимизга ҳам келиб тақалади. Интернет ва қўлимиздаги телефонга маҳлиё бўлиб, ҳафсаламиз сустлашди, газета-журнал варақлашга келганда дангасалигимиз тутадиган бўлиб қолдик. Натижада, ҳеч нарса ўз аксини кўрсатмасдан қолмайди, дейишади. Бунинг исботи бўлса керак, фикрларимиз тобора жўнлашиб, ўқиб ўрганганимиз эмас, эшитганимиз ҳақида гап борттирадиган роботга айланиб бораётганга ўхшаймиз. Яна "Тил билмоқ – эл билмоқ", дейди халқимиз. Лекин бу ўз мутахассисларимизнинг улкан салоҳияти, билими турганда "Google"ни ўзимизга яқин олиб ажнабийларнинг фикрини ўзлаштириб олмоқ дегани эмас... Бугунги кунда тажрибасизлик, илмсизликнинг оқибатиданми айрим соҳалардаги кўпгина илмий ишларнинг бошқа тилдан шундоққина тўғридан-тўғри таржимага айланиб бораётгани ҳам бор гап-ку, майли бу бошқа масала!.. Хуллас, мавзуга боғланиб кетадиган бу мазмундаги фикрларни узоқ давом эттиришимиз мумкин. Аммо сўз, масъулият юки барибир раҳбарлар гарданига тушаверади. Боиси, раҳбар тизим, жамоа, ходимлар учун маёқ ҳисобланади.

Шу ўринда юқорида таъкидлаганим нашрлар тиражининг 2021 йилги кўрсаткичларига қайтсак. Тизим қамрови ҳамда аудиторияси бўйича таълим тизими билан ёнма-ён юрадиган Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигидаги ягона босма нашри, яъни **«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана»** газетасининг тиражи Япония босма нашрларига солиштириш нарёқда турсин, ҳафсала билан улашилса Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларини ҳам қамраб ололмайдиган даражага келиб қолибди. **Бу эътиборми? Эътиборсизликми? Масъулиятми? Ёки тизимнинг шу даражада тараққий этганими? Хуллас нима дейишни ҳам билмадим...**

**Хулоса чиқаришга эса шошилмадим. Эҳтимол пандемия асоратлари жамиятнинг бу жабҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлса ажаб эмас. Ҳарқалай масаланинг бир томони иқтисодий жиҳатга бориб тақалади. Аммо соҳалар такомиллашуви аста-секин изга тушаётган бир пайтда мазкур масалага ҳам эътибор қаратиладиган фурсат келди назаримда.**

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**

*● Шифокор тавсияси ●*

# ГЛАУКОМА - НОГИРОНЛИККА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ОҒИР ХАСТАЛИК

**Глаукома – кўзи ожизлик, ногиронликка олиб келувчи оғир кўз касаллигидир. Дунё бўйича100 миллиондан ортиқ инсон у билан хасталанган. Шундан 40 миллионга яқини кўзи ожиз беморлардир. Хўш, бу хасталикнинг давоси борми? Унинг қандай белгилари мавжуд? Глаукома билан оғриган беморлар нималарга эътиборли бўлиши зарур? ССВ Матбуот хизматининг шу каби саволларига Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Азамат Юсупов жавоб берди.**



**– Глаукома қандай касаллик?**

– Глаукома — кўз ички босими ошиши натижасида кўриш нерви атрофияси ривожланиши ва кўзи ожизликка олиб келиши мумкин бўлган сурункали касалликдир. У бошида белгиларсиз кечиб, беморни ҳеч нарса безовта қилмайди. Шунинг учун у "айёр" касаллик деб ҳам юритилади.

Касалликнинг илк босқичларида уни аниқлаш қийин. Бироқ вақт ўтгани сайин бемор кўриши хиралашади, оғриқни ҳис қилади. Глаукома касаллиги эрта аниқланиб, ўз вақтида тўғри даволансагина кўзи ожизликнинг олдини олиш мумкин.

**– Хасталикнинг алоҳида белгилари нималардан иборат?**

– Глаукома, асосан, ёши катталарда учрайди. Шунингдек, болаларда (туғма глаукома) ва ёшларда (ўсмирлар глаукомаси) ҳам кузатилади. Касалликнинг эрта босқичида ранг ажратиш қобилияти, қоронғиликка мослашиш ва кўриш майдонининг торайиши кузатилади.

Буюмларни аниқ кўрмаслик, эрталаб уйғонганда кўз, пешона ва чакка томонида оғриқ сезиш глаукоманинг дастлабки белгиларидир. Касаллик тўсатдан ўткир хуруж билан бошланиши ҳам мумкин. Беморнинг кўз ички босими кўтарилганда қаттиқ бош оғриғи, кўз соҳасида оғриқ ва қизариш кузатилади. Баъзи ҳолларда кўнгил айниши, қайт қилиш белгилари ҳам рўй беради. Нур манбаларига қаралганда, улар ҳар тарафга ёйилган камалаксимон доиралар бўлиб кўринади.

**– Кимлар бу касалликка кўпроқ чалинади?**

– Глаукома кўпроқ 35-40 ёшдан ошгандан кейин учрайди ва ёш ошган сари касалликка мойиллик кучаяди. Дарднинг келиб чиқиш омилларидан яна бири, бу – яқин қариндошларда глаукоманинг мавжудлигидир.

Юрак-қон томир тизими касалликлари, артериал гипертензия ва гипотензия, вегетатив томирлар дистонияси, мигрень, бошнинг ярми оғриши ва шу каби касалликлар ҳам глаукоманинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, сурункали кўз касалликлари билан оғриган беморлар (миопия, гиперметропия, увеит, кўз жароҳатлари), доимий кўз зўриқиши билан ишловчилар, қандли диабет, неврологик касалликлар билан хасталанганларда глаукомага мойиллик бўлади.

**– Кўзнинг нормал босими қанча?**

– Кўзнинг нормал фаолияти учун унинг ички босими меъёрида – доимо бир хил бўлиши лозим. Соғлом кишиларда кўз ички босими 15 мм симоб устунидан 25 мм симоб устунигача тенг бўлади. Айтиш лозимки, кўз ички босими ҳар бир одамда ўзига хос бўлиб, 1,2 мм симоб устунигача ўзгариб туриши мумкин. Ёш улғайиши билан бундай босимнинг ошиши 1-1,5 мм симоб устунигача кўтарилади. Глаукоманинг илк белгиларини пайқашингиз билан шифокорга мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

**– Глаукомага чалинган кишилар турмуш тарзида нималарга кўпроқ эътибор бериши керак?**

– Беморга ҳаяжонланиш, асабийлашиш, совқотиш, жуда қизиб кетиш кабилар мумкин эмас. У қизиган печь (ўчоқ, тандир) олдида узоқ муддат турмаслиги, бошини энгаштириб ишламаслиги лозим. Иссиқ ҳаммомда ювиниш, оғир жисмоний ва ақлий меҳнат билан шуғулланиш ярамайди. Бемор қоронғида ўтирмаслиги, қора кўзойнак тақмаслиги лозим.

Ҳатто ўқиш ва ёзишни ёруғ хонада бажариши керак. Бемор кун давомида 4-5 маҳал енгил овқатланиши, кечки овқат эса уйқуга ётишдан 4 соат илгари тановул қилиниши зарур. Қовурилган ва шўр овқатлар, шунингдек, мурч, қалампир истеъмол қилиши мумкин эмас. Беморга сут, сабзавотли овқатлар тавсия этилади.

**– Глаукомани қандай даволаш усуллари бор?**

– Ўз вақтида кўрилган даво чоралари глаукома касаллигини тўхтатишга ва беморнинг меҳнат қобилиятини тиклашга ёрдам беради. Касаллик аниқлангач, биринчи бўлиб дорилар, кўз томчилари ёрдамида даволаниш бошланади. Томчилар ёрдамида даволаш самара берса, бемор ушбу дориларни доим томизиб юриши лозим. Ҳеч бир дори таъсир қилмаса, бошқа даволаш усуллари тавсия қилинади. Улардан бири — лазер нури ёрдамида даволашдир. Бунда кўз ички суюқлигини димланишига сабаб бўлган йўллар лазер нури ёрдамида очилиб, кўз босими туширилади. Лазер жарроҳлиги мутлақо оғриқсиз ва хавфсиздир. Лекин глаукоманинг барча турларида ҳам лазер нури самара бермаслиги мумкин. Жарроҳлик усулида даволаш эса ҳозирда энг самарали усул ҳисобланади. Кўп ҳолларда ўз вақтида дори томизмаслик, кўз шифокори назоратида турмаслик, шифокор тавсияларини тўлиқ бажармаслик бемор кўришини ёмонлаштиради. Шу боис доим саломатлигингизга алоҳида эътибор қаратишни унутманг.

Қорақалпоғистон Республикаси

# МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали Нейрохирургия бўлимида марказий ва периферик асаб тизими жароҳатлари ва касалликлари даволаниб, ҳудуд аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.**

Беморларга аниқ ва эрта ташхис қўйиш учун замонавий ЭХО-ЭС, рентген, компьютер томография ва бошқа инструментал текширув ускуналари билан таминланган. Бўлимда шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож марказий ва периферик асаб тизими жароҳатларидан ташқари бош мия ва орқа мия ўсимталари билан ҳам беморлар даволанмоқда.

Бунга мисол тариқасида 2002 йил туғилган Г. Г. исмли бемор ҳар икки оёқларида сезишнинг умуман йўқолганлиги билан тез ёрдам машинасида олиб келинди. Беморнинг айтиши бўйича касаллик 2 ой олдин бошланган, "шамолладим" деб амбулатор шароитда даволаниб юрган. Сўнгги кунлари юқоридаги ҳолатлар пайдо бўлганлиги боис тез ёрдам машинаси билан мазкур филиалга олиб келинган. Бемор нейрохирурглар томонидан текширувдан ўтказилганида: эпигастрал соҳадан пастда сезувчанликнинг пасайиши (гипоэстезия) ва йўқолиши (анестезия), оёқларда ҳаракатнинг умуман йўқлиги (пастги параплегия), тизза, ахилл рефлексларнинг умумий чақирилмаслиги аниқланди. Умуртқанинг кўкрак қафаси МРТда текширилганда кўкрак умуртқасининг тўғрисида орқа миянинг экстрамедуляр ўсимтаси борлиги, ўсимтанинг орқа мияни сиқиб тургани маълум бўлди. Бемор муассаса директори, тиббиёт фанлари номзоди С. Бегалиев томонидан кўрилиб, зудлик билан жарроҳлик йўли билан даволаш амалга оширилди. Беморнинг барча қон таҳлиллари олиниб, орқа миянинг экстрамедуляр ўсимтаси операция йўли билан олиб ташланланди. Беморда операциядан кейин неврологик статусида регресс пайдо бўлиб, бир кундан сўнг оёқларда сезувчанликнинг бошланиши ва ҳаракатнинг пайдо бўлиш белгилари юзага келди. Шундай қилиб, операция муваффақиятли амалга оширилди. Тиббий муассасаларни замонавий тиббий диагностика асбоб-ускуналари билан таъминлаш, моддий-техник базасини яхшилаш беморларга тез ва аниқ ташхис қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, беморларнинг тезроқ оёққа туришида, соғлигининг тикланишида ўз самарасини бермоқда.



**Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот хизмати**

# ОБЩЕСТВЕННЫЙ ФОНД ИБН СИНО – ВЗГЛЯД ЧЕРЕЗ НАСТОЯЩЕЕ В ПРОШЛОЕ И ШАГ В БУДУЩЕЕ

**В целях глубокого изучения и широкой пропаганды богатого наследия, оставленного человечеству ученым энциклопедистом Абу Али Ибн Сино, внесшего значительный вклад в развитие мировой науки и культуры Общественным фондом Ибн Сино за последние годы успешно проводится большая работа.**

Фондом в период с 2011 по 2020 гг. в регионах Республики организованы более 40 международных и национальных конференций, форумов, "круглых столов", семинаров и выставок, в том числе ежегодные международные Авиценновские чтения, в рамках которых в тесной увязке с наследием Ибн Сины рассматривались достижения в сфере фармацевтики, онкологии, кардиологии, офтальмологии, народной медицины, трансплантации органов, использования стволовых клеток, соблюдения здорового образа жизни. Фондом также ежегодно проводятся благотворительные акции для воспитанников специализированных школ-интернатов, в ходе которых дети с ограниченными возможностями проходят бесплатные квалифицированные медицинские осмотры.



Деятельность Фонда признана как на национальном уровне, так и на международной арене. В частности, за последние годыт Фонд и его Руководство были награждены медалями Французского общества медицины катастроф (2014г.), Французской медиицнской академии (2015г.), международным призом имени Авиценна (2016г., 2017г.), Израильского Центра Восточной медицины им. Авиценна (2017г.), сертификатами признания Израильского Центра Восточной медицины им. Авиценна (2014г., 2015г.), турецкой медклиники "Liv Hospital" (2015г.), турецкого Университета Бахчешехир (2015г.), представительства ТИКА в РУ (2015г.), индийской компании "Bravo Pharmaceuticals" (2016г.), СП "Nobel Pharmsanoat" (2016г.), Ташкентского института усовершенствоания врачей (2015г., 2016г.), Каршинского государственного университета (2016г.), Общества Дружбы "Узбекистан-Франция" (2015г., 2016г.), дипломами хокима Бухарской области (2013г.), хокима Сурхандарьинской области (2015г.), Национальной Ассоциации негосударственных некомерческих организаций Узбекистана (2014г., 2015г.), благодарственными грамотами от имени ректора Термезского государственного университета (2015г.), Национальной Ассоциации негосударственных некомерческих организаций Узбекистана (2017г.) и др.

Во исполнение постановления Президента Республики Узбекистан от 18.12.2018 г. № ПП-4063 "О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения" Министерством здравоохранения совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами при поддержке проекта "Жизнь без табака" фонда Ибн Сино, финансируемого международным фондом М. Блумберга по сокращению потребления табачных изделий (США) разработан законопроект, направленный на создание без табачной и без алкогольной среды, который внесен на рассмотрение в Кабинет Министров Республики Узбекистан. В соответствие с утвержденным планом гранта "Жизнь без табака", Фонд Ибн Сино совместно с Министерством здравоохранения, Центром поддержки здорового образа жизни и повышения физической активности населения провели ряд работ в области совершенствования антитабачного законодательства. Разработаны/адаптированы 12 образцов изображений медицинских предупреждений с текстом на узбекском и русском языках для размещения на потребительскую упаковку курительной и некурительной табачной продукции; разработаны требования к размещению образцов изображений медицинских предупреждений на потребительскую упаковку курительной и некурительной табачной продукции. Приняли участие в разработке проекта закона Республики Узбекистан "Об ограничении распространения и употребления, а также регулирования оборота алкогольной и табачной продукции" и прилегающих к нему аналитических материалов. 16 декабря 2020 года в Ташкентском фармацевтическом институте состоялся Круглый стол (с возможностью участия по ZOOM) на тему "Никотиновая эпидемия, защитим наших детей", посвященный проблемам распространения никотиновой эпидемии в Узбекистане и приоритетным мерам борьбы, направленным на защиту детей. В настоящее время широко обсуждается проект Закона Республики Узбекистан "О регулировании оборота и ограничении потребления алкогольной и табачной продукции", разработанный Агентством по регулированию рынка алкогольной и табачной продукции и развитию виноделия, который внесен на рассмотрение Кабинета Министров Республики Узбекистан. Законопроект предусматривает регулирование алкогольной и табачной продукции в стране и предлагает ужесточить ограничительные меры по продаже, рекламе, спонсорства табачных изделий, создания среды свободной от табака в общественных местах, а также запрет оборота некурительных табачных изделий (включая насвай, табачный и никотиновый снюсы).




В процессе обсуждения было отмечено, что для предотвращения новой эпидемии и формирования здорового образа жизни в стране имеются определенные предпосылки: прежде всего, политическая воля Правительства, государственных и негосударственных органов, общественности, сокращение употребления насвая среди молодежи в последние годы, а также положительный международный опыт.

В 2019 году Фонд Ибн Сино выиграл грант Общественного фонда по поддержке ННО и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан на тему "Изучение и широкая пропаганда богатого наследия, оставленного человечеству врачом, ученым и философом Абу Али ибн Сино, внесшего бесценный вклад в мировую медицину, воспитания наших соотечественников, и особенно молодежи, на основе его духовно-просветительского наследия, широкого ознакомления с этим общечеловеческим наследием зарубежных граждан". Следует отметить, что на средства гранта Парламентской комиссии и Фонда Ибн Сино проделана огромная работа, имеющая позитивную тенденцию к продолжению. В 2020 году грант успешно завершен.

В 2020 году мировая общественность отметила юбилей – 1040-летие со дня рождения нашего великого соотечественника Абу Али ибн Сино.

**(Продолжение на 7-й стр.)**

# ОБЩЕСТВЕННЫЙ ФОНД ИБН СИНО – ВЗГЛЯД ЧЕРЕЗ НАСТОЯЩЕЕ В ПРОШЛОЕ И ШАГ В БУДУЩЕЕ



Накануне юбилея наш Фонд разработал проект Государственной программы "Абу Али ибн Сино – гордость Узбекистана и достояние Мира" для празднования 1040-летнего юбилея. В соответствие с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан и рабочего плана фонда Ибн Сино 2 мая 2020 года в формате он-лайн совместно с Министерством здравоохранения Республики Узбекистан и Ташкентским фармацевтическим институтом была проведена III Международная научно-практическая конференция "Абу Али ибн Сино и инновации в современной фармацевтике".

В рамках мероприятия были рассмотрены вопросы изучения богатого научного наследия Абу Али ибн Сины и ученых Средневекового Востока, их вклад в развитие современной фармацевтики, создания новых лекарственных средств из местного сырья, инновационных препаратов, стандартизации фармацевтических препаратов, изучение сырья лекарственных трав и перспективы создания фитопрепаратов, нанотехнологии в фармацевтической промышленности, фармацевтические биотехнологии, подготовка квалифицированных кадров, производство дешевых эффективных и качественных лекарственных препаратов в Республике, а также обеспечение ими населения. Участники международной конференции были ознакомлены с современными фармацевтическими достижениями в Узбекистане и за рубежом, осуществлен обмен мнениями и опытом. Кроме того, 16 августа 2020 года Общественный фонд Ибн Сино совместно с ИА "UzReport" провели Международную научно-просветительскую видеоконференцию "Абу Али ибн Сино – гордость Узбекистана и достояние Мира". В мероприятии приняли участие представители Законодательной палаты Олий мажлиса Республики Узбекистан, демократической партии "Миллий тикланиш", Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан, Государственного музея истории Узбекистана, Национального университета Узбекистана, Ташкентского Государственного Университета востоковедения, Вестминстерского Университета, Бухарского государственного медицинского института имени Абу Али ибн Сино, Ташкентского государственного стоматологического института, Ташкентской медицинской академии, Самаркандского государственного медицинского института, Института востоковедения имени Абу Райхана Беруний, специализированной школы-интернат юных биологов и химиков имени Абу Али ибн Сино, ведущие специалисты и эксперты Авиценноведы из Германии, Бельгии,



Франции, Израиля, Индии, Турции, Узбекистана. С научными докладами выступили 17 ученых-специалистов, в том числе 6 зарубежных докладчика. Докладчики и участники мероприятия отметили актуальность, важность изучения богатого и многогранного наследия великого ученого, необходимость его адаптации к современной науке, потребностям жизни.

В рамках подготовки к проведению исторического международного мероприятия, были подготовлены тематические видеоролики на узбекском, русском и английском языках; изготовлены тематические плакаты, буклеты. Одновременно, в тесном сотрудничестве со столичным хокимиятом на центральных улицах Ташкента были установлены 20 тематических баннеров. В заключение международной видеоконференции была принята резолюция, в которой отмечена её актуальность, научно-культурная и политическая значимость, необходимость государственной поддержки и финансирования научно-исследовательской деятельности по изучению многогранного научного наследия Абу Али ибн Сино, активизации публицистической и издательской деятельности с последующим тиражированием научных трудов за счет грантов и субсидий, выделяемых Парламентской комиссией и Министерством инновационного развития Республики Узбекистан, развитие и модернизация материально-технической базы Общественного фонда Ибн Сино, развитие международных научно-культурных отношений, направленные на последующее укрепление научно-культурного, туристического и политического потенциала и имиджа Узбекистана, укрепление и продвижение национального бренда Ибн Сино-Авиценна среди молодежи и за рубежом. В сентябре 2020 года в Общественный фонд Ибн Сино подписал Меморандум о сотрудничестве с Демократической партией "Миллий тикланиш". Целью подписания данного документа является изучение и продвижение богатого научно-культурного наследия Абу Али ибн Сино, воспитание молодежи в духе патриотизма и национальной гордости. В целях реализации "Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг." проведена комплексная благотворительная акция для воспитанников специализированной школы № 52 Яшнаабадского района города Ташкента. 6 октября 2020 года в школе открыт первый учебно-профессиональный швейный класс "Келажак нури", где девушки-школьницы с ограниченными возможностями будут проходить профессиональное обучение и в последующем получат специализацию – "швея", "портниха".

Пилотный проект – класс "Келажак нури" в рамках гранта делового партнера ООО "IFT Innovation" – "Адаптация детей с ограниченными возможностями к жизни: профессиональная ориентация", оборудован Общественным фондом Ибн Сино. В рамках данного проекта были приобретены 6 швейных машин, 1 машинка-оверлок и 1 машинка для вышивания, а также приобретены необходимые швейные принадлежности. Партнер Фонда – ООО "Zamona Rano" безвозмездно передал лечебные фиточаи из лекарственных растений. В рамках празднования 1040-летнего юбилея со дня рождения Абу Али ибн Сино совместно с ИА "Узрепорт", МИД и посольством Республики Узбекистан в Индии была проведена он-лайн Международная видеоконференция по проведению презентации книги "Абу Али ибн Сино и Узбекистан" профессора Абдул Латифа – Генерального секретаря Академии Ибн Сино в



Индии.

Профессор Абдул Латиф является участником X Международных Авиценновских чтений и Международной видеоконференции "Абу Али Ибн Сино: гордость Узбекистана и достояние Мира", является автором книг "Клизматерапия по Ибн Сино" и "Абу Али ибн Сино и Узбекистан". Следует отметить, что профессор Абдул Латиф в своей книге "Абу Али ибн Сино и Узбекистан" впервые, в качестве зарубежного ученого, отметил историческую роль современной территории Узбекистана в становлении Ибн Сино в качестве выдающегося ученого мира, богатую культуру и традиции Узбекистана, а также дал высокую оценку деятельности Фонда Ибн Сино и ученых Узбекистана в изучение богатого научно-культурного наследия ученого.

Большой интерес вызвали доклады академика Академии наук "Турон", советника Общественного фонда Ибн Сино Усманходжаева А.Х. ("Абу Али ибн Сино автор инновационных идей своего времени"), Президента Международного фонда Авиценны проф. Михаэль Сач в Израиле ("Мудрость Авиценны для современного врача"), проф.Марк Боннель, Президента Ассоциации Авиценна во Франции ("Влияние и дух Авиценны в Европе") и проф. Ишанходжаева З.Р., Национальный университет Узбекистана имени Мирзо-Улугбека ("Наследие Ибн Сины и мыслителей Востока").

11 ноября 2020 года совместно с Ургенчским филиалом Ташкентской медицинской академии была проведена Международная научно-практическая видео конференция "Абу Али ибн Сино: Здоровье и Экология". В ней приняли участие эксперты Минздрава РУ, ведущие ученые, медики, фармацевты, экологи, диетологи, инфекционисты, а также зарубежные специалисты из Израиля, Индии, Ирана, Казахстана, Кыргызстана, России, Турции, представители международных организаций, общественности. Международная конференция прошла в он-лайн форматах в виде пленарной сессии "Абу Али ибн Сино: медицина, народная медицина и фармацевтика" и двух раздельных он-лайн секций – "Здоровый образ жизни", "Современная медицина и экология". Всего было заслушано 40 научных докладов. Были изданы 80 сборников научных тезисов и статей, участникам выданы сертификаты. Конференция была транслирована в прямом эфире по телеканалу "Uzreport". Следует отметить, что все иностранные участники высоко оценили работу Международной конференции, уровень национальных специалистов, открытость и заинтерсованность к научно-практическому сотрудничеству.

В ходе проведения конференции почетными призами Общественного фонда Ибн Сино за научное изучение, продвижение и популяризацию богатого научного и культурного наследия Абу Али ибн Сино, вклад в деятельность Фонда были награждены Ургенчский филиал ТМА, Бухарский государственный медицинский институт, ИА "Uzreport", а также зарубежные и национальные ученые Авиценноведы.

Следует отметить, что Фонд Ибн Сино за стимулирование научного изучения и исследовательской деятельности, популяризацию идей и богатого научного наследия Абу Али ибн Сино в Узбекистане и за рубежом был награжден дипломом и сертификатом Ургенчского филиала ТМА и Бухарского государственного медицинского института. Почетной наградой – медалью Международного фонда Авиценна в Израиле был награждён и.о. председателя правления Фонда Ибн Сино – Н.А.Махмудов.

Все докладчики, организаторы и участники Конференции отметили актуальность проведения данного мероприятия и необходимость продолжения практики проведения аналогичных мероприятий в будущем.

В 2021 году Фонд Ибн Сино планирует организацию и проведение международной научно-практической конференции по фармацевтике (май, г.Ташкент), празднование 1041-летнего юбилея со дня рождения ученого (16.08.2021г.), XI Международных Авиценновских чтений (октябрь, г.Бухара), научных экспедиций в Иран и Турцию для перевода и изучения рукописей и копий, благотворительных акций для детей с ограниченными возможностями.

**Фонд готов и в последующем использовать наработанный опыт и зарубежные связи для дальнейшего продвижения научно-культурного и политического имиджа в национальных интересах нашей страны.**

**Нозимхон МАХМУДОВ,**
**и.о. председателя правления Фонда Ибн Сино.**

*Соғлом авлод – Ватан келажаги*

# ҚАРШИДА “КЎНГИЛ КЎЗИ” ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Қашқадарё вилояти кўз касалликлари шифохонасида “Кўнгил кўзи” хайрия акцияси доирасида Қарши шаҳридаги 18-махсус мактаб-интернат ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.**

Маълумки, Саида Мирзиёева томонидан ташкил этилган мазкур хайрия акцияси 2019 йилнинг март ойида ўз фаолиятини бошлаган. У кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар таълими, уларнинг маънавий ва руҳий ривожланиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, келгуси ҳаётга ва жамиятга мослашиши учун йўналтирилган.

Лойиҳа Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. “Кўнгил кўзи” хайрия акцияси доирасида уч мингдан ортиқ кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар тиббий кўрикдан ўтишади. Текширув натижасига кўра кўришни яхшилаш имкони мавжудлиги аниқланган ҳар бир болага ёрдам кўрсатилади.



– Айни пайтда Қарши шаҳридаги 18-махсус мактаб-интернат ўқувчилари визометрия, рефрактометрия, тонометрия, периметрия, кўз тубини фондус линза ёрдамида кўриш, замонавий оптик когерент томография сингари бир қатор стандарт текширувлардан имтиёзли ўтказилмоқда, – **дейди вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Иброҳим Очилов.** – Узоқ масофада жойлашган ва филиалга олиб келиш имкони бўлмаган беморлар учун мобил офтальмологик поликлиника хизматидан фойдаланилмоқда. Ҳар бир бемор болани Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг масъул шифокорлари билан ҳамкорликда телемедицина орқали кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган. Мазкур мактаб-интернатнинг жами 224 нафар ўқувчиси чуқурлаштирилган текширувлардан ўтказилганидан сўнг даволаш имкони бўлганларни вилоят ва республика даражасида саралаш ҳамда даволаш чоралари кўрилади.



Шифохонада лойиҳа доирасида 6 январдан бошланган чуқурлаштирилган тиббий кўриклар 20 январгача давом этади.

**Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.**

*Таҳлил ва ҳисобот*

# ФАОЛИЯТГА ЖИДДИЙ ЁНДАШИШ ЗАРУР

**2021 йилнинг 9 январь куни Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциациясининг 2020 йил фаолияти бўйича ҳисоботларнинг таҳлили ва 2021 йил учун иш режаларини тасдиқлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**



Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси раиси Гулнора Усмонова ассоциация томонидан бир йил давомида олиб борилган фаолиятларга эътибор қаратди. Шунингдек, ўтган йилда мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг кириб келиши ҳар бир соҳада салбий таъсир кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаб, ассоциациянинг ҳудуий бўлинмаларидаги фаолиятлар онлайн тарзда амалга оширилганлигини айтиб ўтди. Айниқса, халқимиз ҳаётига хавф солган ушбу хасталик кўплаб инсонларимизни бу ҳаётдан эрта олиб кетганлигини афсус билан тилга олди. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, улар орасида юртимиз тиббиёт тизимида фаолият олиб бораётган соҳа ходимларини ҳам бу дард чеклаб ўтмади. Афсусланарлиси шундаки, ушбу касаллик туфайли шифокору, ҳамшираларимиз, қолаверса кичик тиббиёт ходимлари бевақт ҳаётдан кўз юмганлиги таъкидланиб, марҳумлар хотирасига сукут сақланди.



Йиғилиш давомида Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси ҳудудий бўлинмалари раисларининг ҳисоботлари тингланди. Сўз олган ҳар бир бўлинма раислари бир йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот бердилар. Жумладан, бўлинмалар томонидан пандемия даврида шифо масканларига зарурий тиббий анжомлар, компьютер жамланмалари, вафот этган ҳамширалар оиласига маънавий ёрдамлар кўрсатилганлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси раиси Гулнора Усмонова ўз фикрларини давом этирар экан, ассоциацияга келиб тушаётган маблағларни тўғри йўналтириш масалаларига алоҳида урғу қаратди. Ҳудудий бўлинма раислари томонидан берилган ахборотлар холислигини таъминлаш мақсадида, ҳисоботларга жиддий эътибор берилди. Айрим ҳудудий бўлинмаларда раҳбарлар томонидан фаолиятларга масъулиятсизлик билан ёндашилаётганлиги танқид остига олинди.

Йиғилиш сўнгида пандемия даврида фаоллик билан иш олиб борган, ҳудудий бўлинма раисларига ассоциация томонидан ташккурнома ва компьютер жамланмалари топширилди. Кун тартибида кўрилган асосий масалалар таҳлил қилиниб, иштирокчилар томонидан 2021 йил учун иш режалари белгилаб олинди.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Муаллиф олган суратлар.**





Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар такриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 866 нусха.
Буюртма Г-140.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Намоз ТОЛИПОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.